

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек айрим қонун ҳужжатларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида

«**Давоми. Бошланиши 1-бетда.**»

2) куйидаги мазмундаги **8’-модда** билан тўлдирилсин:

«8’-модда. Маҳаллий ҳокимият органларининг вилоят, туман, шаҳар бюджетдан ташқари жамғармалари

Халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар Кенгаши бюджетдан ташқари жамғармалар ташкил этиши мумкин, уларга куйидагилар киритилади:

фуқаролар, корхоналар, муассасалар, ташкилотларнинг, бундан бюджет ташкилотлари мустасно, ихтиёрий бадаллари ва хайриялари;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа бюджетдан ташқари маблағлар.

Маҳаллий ҳокимият органлари вилоят, туман, шаҳар бюджетдан ташқари жамғармаларининг маблағлари шахсий ғазна ҳисобварақларида туради, олиб кўйилмайди ҳамда тегишли халқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимнинг қарорига кўра сарфланади»;

3) **III боб** чиқариб ташлансин;

4) **24-модданинг биринчи қисми:**

иккинчи хатбошидаги «маҳаллий бюджет ва унинг ижросига доир ҳисоботни» деган сўзлар чиқариб ташлансин; **учинчи хатбоши**си куйидаги тахрирда баён этилсин:

«вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларини, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларини тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан кўриб чиқиш ҳамда қабул қилиш»;

куйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи хатбошилар** билан тўлдирилсин:

«вилоятлар ва Тошкент шаҳри маҳаллий бюджетларининг, шунингдек туманлар ва шаҳарлар бюджетларининг тегишли даврдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботларни тегишинча вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларининг тақдимномасига биноан кўриб чиқиш ҳамда тасдиқлаш;

маҳаллий солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ставкаларини қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорлар доирасида белгилаш»;

тўртинчи — **ўн иккинчи хатбошилари** тегишинча **олтинчи** — **ўн тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

5) **25-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбоши**си куйидаги тахрирда баён этилсин:

«вилоят, туман, шаҳарни иктисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетининг, туман ва шаҳар бюджетининг тегишли лойиҳасини, шунингдек унинг ижроси тўғрисидаги ҳисоботни халқ депутатлари Кенгашига тақдим этади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 29 августда қабул қилинган **«Хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида»**ги 263–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 126-модда) куйидаги ўзгартишлар киритилсин:

1) **4-модданинг биринчи** ва **иккинчи қисмлари** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши тўғрисида Ўзбекистон Республикаси номидан шартномалар тузиш ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки улар томонидан ваколат берилган орган эгадир.

Давлат ташқи қарзининг энг юқори миқдори ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари томонидан келгуси йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетлари қабул қилинаётганда белгиланади»;

2) **5-модда** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«5-модда. Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатлари

Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолати (бундан буён матнда давлат кафолати деб юритилади) қарз олувчи-резидент ўздан ундириладиган суммани қарз (кредит) бериш келишувларида белгиланган муддатда тўламаган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг қарз бевувчи олдидаги қарзни тўлиқ ёки қисман тўлаш мажбуриятидир.

Давлат кафолатлари қарз бевувчиларга қарз олувчи-резидентлар ўзлари олган кредитлар (қарзлар) бўйича мажбуриятларни бажаришнинг таъминоти сифатида берилади. Жисмоний шахсларнинг мажбуриятлари бўйича давлат кафолатлари берилмайди.

Кредитлар (қарзлар) бўйича давлат кафолатлари қарз олувчи билан тузилган шартнома шартлари асосида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра берилади.

Кафил олдидаги шартнома мажбуриятлари қарз олувчи томонидан бажарилмаган тақдирда, у кафил билан келишмай туриб фойдани тақсимлашга ҳамда бошқа қарзлар бўйича тўловларни амалга оширишга ҳақли эмас.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги давлат кафолатларини расмийлаштириш бўйича ваколатли органдир.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги берилган давлат кафолатлари билан шарт қилиб кўйилган тўловларни амалга оширгач, амалга оширилган тўловлар ва улар билан боғлиқ харажатлар суммасини қарз олувчи-резидентдан сўзсиз ундириб олиш ҳуқуқига эга.

Давлат кафолатларини расмийлаштириш, бериш, рўйхатдан ўтказиш ва улар бўйича мажбуриятларни бажариш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

Агар резидентларнинг қарз мажбуриятлари кафолатланмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси улар юзасидан жавобгар бўлмайди»;

3) **6-модда** чиқариб ташлансин;

4) **8-модданинг тўртинчи** — **саккизинчи хатбошилари** куйидаги мазмундаги **тўртинчи** — **еттинчи хатбошилар** билан алмаштирилсин:

«давлатнинг хориждан маблағ жалб қилиши бўйича шартномаларни ва давлат кафолатларини рўйхатдан ўтказиш; давлат ташқи қарзини ҳисобга олиш ва мониторинг қилиш; давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш, давлат кафолатларини бажариш; қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатлар».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 30 августда қабул қилинган **«Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»**ги 279–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 142-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда) куйидаги қўшимча ва ўзгартишлар киритилсин:

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Экологик назорат тўғрисида

«**Давоми. Бошланиши 1-бетда.**»

4-модда. Экологик назоратнинг асосий вазифалари

Экологик назоратнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш;

атроф муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган ҳўжалик фаолиятни ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

атроф муҳитдаги ўзгаришлар, унинг прогноз қилинаётган ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланилиши ва кўрилаётган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор қилиш;

табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш.

5-модда. Экологик назоратнинг асосий принциплари

Экологик назоратнинг асосий принциплари қонунийлик, ҳолислик, мустақиллик, ошқоралик, шахс, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

6-модда. Экологик назорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Экологик назорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

экологик назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атроф муҳитни яратиш;

экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органлари деб юритилади), маҳаллий давлат ҳокимияти

1) **5-модда:**

куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бюджет ташкилотларининг бухгалтерия ҳисобини ва молиявий ҳисоботини тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланадиган бюджет ҳисоби стандартлари асосида амалга оширилади»;

учинчи қисми тўртинчи қисм деб ҳисоблансин;

2) **12-модда** куйидаги мазмундаги **тўққизинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Бюджет ташкилотларининг активлари ва маж-буриятларини баҳолаш бюджет ҳисоби стандартларига мувофиқ амалга оширилади»;

3) **13-модда** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ва давлат мақсадили жамғармалари бюджетларининг ижроси бўйича даромадлар ва харажатлар улар келиб тушган ёки тўланган даврда бюджет ҳисоби стандартларига мувофиқ акс эттирилади»;

4) **16-модданинг тўртинчи қисми** куйидаги мазмундаги **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлар** билан алмаштирилсин:

«Бюджет ташкилотларининг молиявий ҳисоботи бюджет тўрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ тузилади ва тақдим этилади.

Молиявий ҳисоботнинг таркиби ва мазмуни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланади»;

5) **18-модданинг учинчи қисми** «юридик шахс» деган сўзлардан кейин «(бюджет ташкилотларидан ташқари)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

6) **19-модда:**

учинчи қисми чиқариб ташлансин; **тўртинчи** ва **бешинчи қисмлари** тегишинча **учинчи** ва **тўртинчи қисмлар** деб ҳисоблансин.

4-модда. Куйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

1) Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Бюджет тизими тўғрисида»**ги 158–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 6-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2000 йил 14 декабрда қабул қилинган **«Бюджет тизими тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида**ги 159–II-сонли Қарорининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, № 1–2, 7-модда) **1** ва **2-бандлари**;

3) Ўзбекистон Республикасининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган **«Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»**ги 664–II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 164-модда);

4) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2004 йил 26 августда қабул қилинган **«Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида»**ги 665–II-сонли Қарори (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2004 йил, № 9, 165-модда);

5) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 23 майда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги УРҚ–2-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда) **7-моддаси**;

6) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 19 декабрда қабул қилинган **«Баъзи давлат бошқарув органларининг**

қайта ташкил этилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги УРҚ–14-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда) **6-моддаси**;

7) Ўзбекистон Республикасининг 2005 йил 31 декабрда қабул қилинган **«Уй-жой-коммунал хўжалиги соҳасида ислохотларнинг амалга оширилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги УРҚ–19-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда) **6-моддаси**;

8) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 27 апрелда қабул қилинган **«Бюджет тизими тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги УРҚ–95-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 168-модда);

9) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 20 сентябрда қабул қилинган **«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги УРҚ–113-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 9, 420-модда) **4-моддаси**;

10) Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 17 декабрда қабул қилинган **«Бюджет тизими тўғрисида»**ги ҳамда **«Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги УРҚ–130-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 12, 601-модда);

11) Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 31 декабрда қабул қилинган **«Солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»**ги УРҚ–197-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2008 йил, № 12, 640-модда) **30-моддаси**;

12) Ўзбекистон Республикасининг 2009 йил 6 апрелда қабул қилинган **«Давлат бюджетининг ғазна ижроси тўғрисида»**ги **Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»**ги УРҚ–204-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2009 йил, № 4, 131-модда);

13) Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрда қабул қилинган **«Фуқароларнинг пенсия таъминоти тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»**ги УРҚ–254-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2010 йил, № 9, 334-модда) **7-моддаси**.

5-модда. Ушбу Қонун 2014 йил 1 январдан эътиборан кучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти	И. КАРИМОВ
Тошкент шаҳри, 2013 йил 27 декабрь № УРҚ — 361	

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

Экологик назорат тўғрисида

«**Давоми. Бошланиши 1-бетда.**»

4-модда. Экологик назоратнинг асосий вазифалари

Экологик назоратнинг асосий вазифалари куйидагилардан иборат:

атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги қонун ҳужжатлари талаблари бузилишининг олдини олиш, уни аниқлаш ва унга чек қўйиш;

атроф муҳит ҳолатини кузатиб бориш, атроф муҳитнинг ифлосланишига, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланилишига олиб келиши, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғига таҳдид солиши мумкин бўлган вазиятларни аниқлаш;

мўлжалланаётган ёки амалга оширилаётган ҳўжалик фаолиятни ва бошқа фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини аниқлаш;

юридик ва жисмоний шахсларнинг атроф муҳитни муҳофаза қилиш ҳамда табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш соҳасидаги ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилишини, улар томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш;

атроф муҳитдаги ўзгаришлар, унинг прогноз қилинаётган ҳолати, табиий ресурслардан фойдаланилиши ва кўрилаётган тегишли чора-тадбирлар тўғрисида давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотларни ҳамда фуқароларни хабардор қилиш;

табиатни муҳофаза қилиш фаолиятининг самарадорлигини ошириш ҳамда давлат экологик дастурлари ва бошқа экологик дастурларнинг амалга оширилишида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқароларнинг иштирокини таъминлаш.

5-модда. Экологик назоратнинг асосий принциплари

Экологик назоратнинг асосий принциплари қонунийлик, ҳолислик, мустақиллик, ошқоралик, шахс, жамият ҳамда давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишдан иборатдир.

6-модда. Экологик назорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Экологик назорат соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари куйидагилардан иборат:

экологик назорат тизимини шакллантириш ва ривожлантириш;

фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи учун қулай атроф муҳитни яратиш;

экологик назорат соҳасидаги махсус ваколатли давлат органлари (бундан буён матнда махсус ваколатли давлат органлари деб юритилади), маҳаллий давлат ҳокимияти

АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

жамиятни модернизация қилишнинг муҳим омилига айланмоқда

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

130 мингдан ортиқ фирмалар ўз номларини интернет тармоғи (stat.uz) орқали резерв қилиб қўйган бўлса, 48 минг 500 дан зиёд юк божхона декларациялари электрон шаклда (customs.uz) қабул қилинди. Хўжалик судларига электрон шаклда (esoponical-court.uz) даъво аризалари, расмий илтимосномалар бериш имкониятларидан самарали фойдаланилмоқда.

Шунингдек, хўжалик бошқаруви органлари ва йирик корхоналар томонидан Ягона давлат интерактив хизматлари порталига улашни, ўз расмий веб-сайтлари фаолиятини такомиллаштириш, ишлаб чиқариш ва бошқариш жараёнини автоматлаштириш тизимларини жорий этиш бўйича чоралар ишлаб чиқиш, амалга оширилаётди. Электр энергия истеъмолчиларини рўйхатга олишнинг электрон тизими, юк ташиш ва транспорт восталарини бошқариш, ёқилғи-мойлаш материалларини ҳисобга олиш ва улардан оқилона фойдаланишни мақбуллаштиришнинг электрон тизими амалиётга татбиқ этилиши ўз самарасини бермоқда. Хусусан, "Ўзбекинвест" суғурта компаниясида сўровларни қайд этиш жараёни автоматлаштирилиши уларни қўриб чиқиш мuddатини 35 фоизга қисқартирди. Бундай ижобий тенденцияларни молиявий хизматларда ҳам қўриш мумкин. "СМС-банкнинг" ва "Мобил-банкнинг" имкониятидан фойдаланувчилар сони 153,5 минг нафар ёки йил бошига



нисбатан 2,2 баробар кўпайгани аниқ шундан далolat беради.

Бундан ташқари, интернет тармоғи, мобил телефонлар орқали банк ҳисоби ҳамда пластик картадан фойдаланган ҳолда товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириш оmmаллашиб бораётди. Смартфонлар учун мобил илова ишлаб чиқилиб, у орқали онлайн режимида поездлар катно-ви жаdвали ва чипталар нархи ҳақида маълумотлар олиш қулайлиги яратилди. Худудларда эса АКТни кенгайтиришга йўналтирилган чора-тадбирлар режалари ишлаб чиқилиб, компьютерлаштирилган бўйича худудий марказлар моддий-техника базаси мустаҳкамланди.

— Давлат интерактив хизматлари инсонларнинг узоғини яқин

қилиш, вақт ҳамда масофани тежаш, ортиқча оворагарчиликларнинг олдини олиш каби қулайликларни ўз ичига олишдан бугун кўпчиликнинг хабари бор, — дейди Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси ахборот хизмати бошлиғи Э. Долимов. — Зеро, бу хар ким замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ютуқларидан янада кўпроқ фойдаланган ҳолда ўзини қизиқтирган савол ва масалаларга жавоб олиш, тегишли маълумотларга эга бўлиш, абонент ва коммунал тўловларини амалга ошириш, давлат органлари очкилигини таъминлашда иштирок этиш имконияти дегандир. Буларнинг барчаси пировард натижада фуқароларнинг қонуний

манфаатларини янада тўлақонли таъминлашга хизмат қилиши шубҳасиз.

Юртимизда, шунингдек, бизнес соҳаси ҳамда фуқароларга давлат хизматлари кўрсатиш тизимини шакллантириш концепцияси ва комплекс дастурини ишлаб чиқиш-ни жадаллаштиришга, ахборот тизимларининг идоралараро ва идоравий комплексларни интеграция қилдиган миллий тизимини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Келгуси йилда давлат органларидан барча турдаги маълумотномаларни электрон шаклда олиш, давлат органларига навбатга ёзилишининг "электрон навбат" тизимини жорий қилиш назарда тутилган. Айни чоғда темир йўл ва авиачипталарни онлайн брон қилиш ва тўловларни амалга ошириш, коммунал хизматлар учун тўловларни онлайн амалга ошириш имкониятларини амалиётга изчил жорий қилиш, автомобиль ва транспорт соҳасида АКТ ёрдамида йўловчиларга хизмат кўрсатиш-ни янада кенгайтириш режалаштирилган. Қолаверса, интерактив давлат хизматлари рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, тегишли ахборот ресурсларидан катта қўламда, айниқса, қишлоқ жойларда фойдаланишни таъминлаш ҳам мақсад қилинган.

Мухтасар айтганда, ҳаётимизга илгор ахборот технологияларини чуқур киритиш аҳоли турмуш сифати ва фаровонлигини янада юксалтириш, дунёқарашини ўзгартириш, ижтимоий-иқтисодий тараққиёт барқарорлигини янада мустаҳкамлашда салмоқли роль ўйнамоқда.

Сиджон МАХСУМОВ.
Хасан ПАЙДОЕВ
олган суратлар.

ИНТИЛИШ

Бухоролик ўн икки нафар хотин-қиз "Хунарманд" уюшмаси вилоят бошқармаси қошида ташкил этилган ўқув марказининг илк битирувчисига айланди.

Устоз-шоғирд мактаби

Уларга бу ерда касб-хунар ўрганиб, мустақил фаолият кўрсатишлари учун тегишли сертификатлар берилди.

— Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотариот ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонднинг ташкилотида ўз лойиҳамиз билан қатнашгандик, — дейди мазкур бошқарма бошлиғи А. Муҳамедов. — Ижтимоий лойиҳа мисли кўриб чиқилиб, 14 миллион сўм микдордаги грантга қўшилди, деб топилганди. Шу маблагга ўз ҳисобимиздан 7,2 миллион сўм қўшиб, ўқув маркази ташкил этдик. Уни жиҳозладик. Ҳозир ёшлар бу ерда тажрибали устозлар кўмагида миллий хунармандчилик сирларини эгаллаб, истиқболда мустақил ишлаш, тадбиркорлик билан шуғулланиш имкониятига эга бўлмоқдалар.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Истиқлолимиз ва истиқболимиз ТИМСОЛИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

2005 йилнинг 28 декабрида давлатимиз раҳбари Мустақиллик майдонига ташриф буюриб, бу ерда янги қад ростлаган монумент пойга гулчамбар қўйди. Ушбу яхлит обида таркибда фарзандини бағрига босиб турган Бахтиёр она ҳайкали жой олди.

Мохиятан мустақиллик ва эзгулик тушунчаларини бир-бирдан айри ҳолда тасавур этиб бўлмайди. Ой сиймоси биз учун ҳамisha меҳрибонлик, фидойилик, эзгуликнинг ёрқин тимсоли бўлиб келган. Президентимизнинг тақдифига биноан, чуқур ва кенг маъно-маъмуни билан барчамиз учун азиз бўлган шу икки муқаддас қадриятни ўзда мужассамлаштирган мажмуага "Мустақиллик ва эзгулик монументи" деб ном берилишини жамоатчилигимиз, халқимиз катта хурсандчилик билан қўллаб-қувватлади.

Ушбу бўлғубор монумент бунёд этилган, умумлаш байрамлари ва тантанали маросимларда, спортчиларимизни халқроқ мусобақаларга қузатиш пайтида унинг пойга гулчамбарлар қўйиш яхши анъананага айlandи. Юртимизга ташриф буюрган хорижий мамлакатлар раҳбарлари, турли даражадаги делегациялар вакиллари давлатимизга бўлган ҳурмати мазкур Монумент пойга гулчамбар қўйиш орқали ифода этмоқда. Мактаб оstonасига қадам қўётган ўқувчиларнинг Мустақиллик дарслари ҳам айнан шу мўътабар масканда ўқазилмоқда.

Бугун янги оила кураётган минглаб ёш йигит-қизлар Бош майдонимиздаги Эзгулик аркасида ўқиб, оқ пойандоз шаклидаги кенг йўлакдан

юриб, мазкур монумент пойга келар эканлар, Бахтиёр она сиймосида уларнинг бегу-бор, пок орзуларини рўёбини кўргандек бўладилар.

Мустақиллик майдонига қадам қўйган хар бир юрtdо-шимиз бу эзгу маскан бағри-да яна бир қарра бугунги еруғ кунларимиз, тинч ва осойишта ҳаётимиз қадри ҳақида фикр юритади, қалбда шукроналик, фахр-ифтихор туйғулари жўш уради.

Бош майдоннинг рамзий дарвозаси ҳисобланган Эзгулик аркаси тепасида парвозга шайланиб турган турналар, халқимизнинг кўнгилдек, орзуларидек оппоқ лайлақлар дилларда ажиб бир ҳис уйғотади. Арканнинг банд ва мустақам устунлари бакуват-ват таянчларидек таассурот қолдиради.

— Хар гал бирор бир халқроқ турнир олдида, албатта, Мустақиллик майдонини зиёрат қиламан, — дейди спортнинг оғир атлетика тури бўйича жаҳон чемпиони, "Ўзбекистон ифтихори" унвони совриндори Руслан Нурудинов. — Бу қалбимда Ватанимга бўлган муҳаббатимни янада оширади. Мусо-бақаларда эришган муваффақиятларимнинг асосий сабабларидан бири ҳам мана шу муқаддас туғуғу билан боғлиқ, деб ўйлайман.

Дарҳақиқат, Мустақиллик майдони — барчамизни буюк ишлар ва эзгу ниятларга чорлов муқаддас манзилдир. Бу улғу маскан айни пайтда ўзгача тароватга бурканган. Янги йил байрами арафасида ўрнатилган улкан арча атрофида азиз фарзандларимизнинг шодон қийқириқлари янграб турибди.

Омонулла ФАЙЗИЕВ.

Реклама ва эълонлар

Барча юридик ва жисмоний шахслар, шу жумладан, чет эл инвесторлари диққатига!

Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг Тошкент вилояти худудий бошқармаси ва «Universal Realtor» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Зангиота тумани, «Назарбек» ҚФЙ, Лойихачи кўчаси, 7-уйда жойлашган мулкый мажмуа қўйилади.

Аукцион савдосига қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

- бино-иншоотларнинг қурилш ости майдони — 27 107,71 кв.м.;
- умумий ер майдони — 8,96 гектар;
- энг юқори сотиб олиш тўлови таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа мuddатларда амалга ошириш.

Бошланғич баҳоси — 7 783 758 000 сўм.
Балансда сақловчи — Toshviolyat-Ta'minot savdo» ДУК.
Фаолият ихтисоси — улғуржи савдо.

Аукцион савдоси 2014 йил 30 январь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Истикбол кўчаси, 15-уйда бўлиб ўтади. Буюртманомалар юқорида кўрсатилган манзилда иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача қабул қилинади. Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш эълон матбуотда чоп этилган санадан бошланади ва 2014 йил 29 январь куни соат 16.00 да тўхтатилади.

Ушбу санада давлат активи сотилмай қолган тақдирда, такрорий очик аукцион савдолари 2014 йил 13, 27 февраль ва 13 март кунлари соат 11.00 дан бошлаб юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади. Такрорий аукцион савдолари учун талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 12, 26 февраль, 12 март кунлари соат 16.00.

2. Аукцион савдосига Тошкент вилояти, Чиноз тумани, «Чиноз» ҚФЙ, «Гулзоробод» фермерлар уюшмаси худудида жойлашган 34-сонли болалар богчаси бино-иншоотлари қўйилади.

Аукционга қўйилган давлат активининг тавсифи ва шартлари:

- бино-иншоотларнинг қурилш ости майдони — 1488,6 кв.м.;
- ер участкасининг умумий майдони — 0,65 гектар;
- энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш;
- сотиб олиш қийматини қисқа мuddатларда амалга ошириш.

Бошланғич баҳоси — 725 680 000 сўм.
Балансда сақловчи — Чиноз тумани ҳокимлиги.
Фаолият ихтисоси — маъмурий бошқарув.

Кўшимча маълумот ва мурожаат учун манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Истикбол кўчаси, 15-уй, «Universal Realtor» МЧЖ.
Телефон: (8-371) 150-35-55. Факс: (8-371) 236-26-65. www.realtor.uz E-mail: universal.realtor@mail.ru Лицензия RR-0127.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдосига таклиф қилади.

«Capital Realtor Group» МЧЖ Фарғона вилояти филиалида 2014 йил 17 январь куни соат 14.00 да бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига қўйидаги кўчмас мулк арзонлаштирилган нархда такроран қўйилмоқда:

I. Суд департаментининг Фарғона вилояти худудий бошқармаси томонидан Жиноят ишлари бўйича Фарғона вилояти судининг 2012 йил 8 августдаги 2-50/2012-сонли ижро варақасига асосан хатланган:

1. Олтиариқ тумани, «Қалчугай» ҚФЙ, Қалчугай кўчасида жойлашган, «Эркабевлар» МЧЖга қарашли, қурилш ости майдони 4423,78 кв.м., фойдаланиш майдони 1012,0 кв.м. бўлган, 0001-0016-литерлардаги керамзит базаси бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 383 722 721 сўм.

2. Олтиариқ тумани, «Полосон» ҚФЙ, «Ибн Сино» МФЙда жойлашган, «Эркабевлар» МЧЖга қарашли, умумий майдони 1 894,38 кв.м., фойдаланиш майдони 1 629,45 кв.м. бўлган, 0001-0009, 0009а, 0009б, 0010, 0011, 0012-литерлардаги ишлаб чиқариш базаси бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 106 408 261 сўм.

3. Олтиариқ тумани, «Ҳамза» ШФЙ, «Янги ҳаёт» МФЙ, Навоий кўчасида жойлашган, Эркабев А.Х.га қарашли, қурилш ости майдони 569,65 кв.м., фойдаланиш майдони 631,10 кв.м. бўлган, 0001-0003-литерлардаги қурилш тугалланмаган хусусий банк бино-иншоотлари.
Бошланғич баҳоси — 148 344 835 сўм.

Барча масалалар юзасидан қўйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:
Фарғона шаҳри, Бурхониддин Марғиний кўчаси, 22-уй.
Телефонлар: (+99873) 244-19-91, (+99890) 231-38-59.
Лицензия: № RR-0017.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1254. 74 560 нусхда босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

«KO'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

Наманган вилояти филиали

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

1. Аукцион савдосига Уйчи тумани СИБ томонидан ФИБ Учқўрғон туманлараро судининг 2013 йил 10 июлдаги 1523-сонли ижро варақасига асосан хатланган, фуқаро Каримова Малуда Турсиновнага тегишли, Наманган вилояти, Уйчи тумани, «Уйчи» ШФЙ, «Навоий» МФЙда жойлашган, фойдаланиш майдони 284,1 кв.м., қурилш ости майдони 305,8 кв.м. бўлган умумий оватланиш шохобчаси бино-иншоотлари қўйилмоқда.
Бошланғич баҳоси — 63 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2014 йил 29 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 27 январь куни соат 18.00.

2. Аукцион савдосига Норин тумани СИБ томонидан Наманган вилояти хўжалик судининг 2012 йил 20 декабрдаги 16-1202/18169-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Наманган вилояти, Норин тумани, Ҳаққулбод шаҳарчаси, «Бобур» МФЙда жойлашган, «Норин тумани бош пиллахонас» МЧЖга тегишли, блок-бостирма (навес) бино-иншоотлари, қурилш ости майдони 1242,36 кв.м., фойдаланиш майдони 1235,22 кв.м, пилла

сақла бостирмаси, қурилш ости майдони 1046,07 кв.м., фойдаланиш майдони 1012,57 кв.м., металл бостирма, қурилш ости майдони 601,8 кв.м., фойдаланиш майдони 601,8 кв.м., масумий ишчилар хонаси, қурилш ости майдони 74,23 кв.м., фойдаланиш майдони 61,34 кв.м., қорапўчоқ бостирмаси бино-иншоотлари, қурилш ости майдони 290,4 кв.м., фойдаланиш майдони 273,76 кв.м. бўлган бино-иншоотлар арзонлаштирилган ҳолда такроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 219 276 023 сўм.
Аукцион савдоси 2014 йил 14 январь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.
Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2014 йил 10 январь куни соат 18.00.

Кўчмас мулклар билан тегишли туман суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган микдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «Ko'chmas mulk savdo xizmati» МЧЖ Наманган вилояти филиалининг АТИБ «Ипотeka-банк» Наманган бўлимидаги қўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104920609015, МФО: 00223, СТИР: 207122519.

Манзил: Наманган шаҳри, Нодира кўчаси, 3-уй, 4-кават.
Телефон: (8-369) 227-97-01. www.1kms.uz
Лицензия: RR-0001.

Ўзбекистон Бадий академияси ҳамда Бадий ижодкорлар уюшмаси жамоалари Ўзбекистон Бадий ижодкорлар уюшмаси аъзоси

Одилхон ХОЛМИРЗАЕВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Тошкент автомобиль-йўллар институти жамоаси Автомобиль йўллари ва аэропорларни лойиҳалаш кафедраси доценти

Аъло Расулевна ҚОДИРОВАнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изхор этади.

Тахририятга келган қўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтаришмайди.
Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.
Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Қ. Хидиров.
Навбатчи — Д. Улғумуродов.
Мусаҳҳач — Ш. Машраббеов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмоҳонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.05 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5